

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

2024 йил май ойининг 14 куни, жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, туман судининг раиси М.Рузиматовнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Умаровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тўрақўрғон туман прокурорининг катта ёрдамчиси О.Мамаджонов, жабрланувчилар [REDACTED] иштирокида, [REDACTED] оид 1-1607-2401/87-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED]  
куни Тўрақўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, мавсумий ишлаган, оиласиз, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, [REDACTED] а яшаган, муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2024 йил 22 апрелда олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 122-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, суд мажлисида судланувчи, жабрланувчилар, гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига кўра, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Судланувчи [REDACTED] фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро судининг 2019 йил 9 августдаги суд буйруғига асосан бир нафар вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун ундирувчи [REDACTED] фойдасига ойлик даромадининг ¼ қисми миқдорида алимент тўлаши лозим бўлиб, қарздор томонидан 2023 йил 1 июлга қадар тўланиши лозим бўлган 36.714.201 сўм, шунингдек фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро судининг 2021 йил 23 апрелдаги суд буйруғига икки нафар вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун ундирувчи [REDACTED] фойдасига ойлик даромадининг 1/3 қисми миқдорида алимент тўлаши лозим бўлиб, қарздор томонидан 2023 йил 1 июлга қадар



тўланиши лозим бўлган 37.648.062 сўм алимент пулларини тўлашдан бўйин товлаганлиги учун жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман судининг 2023 йил 4 июлдаги қарорига асосан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган бўлса-да, ўзига тегишли хулоса чиқариб олмай, 2023 йил 1 июлдан 2024 йил 1 апрелга қадар 2 ойдан ортиқ муддат мобайнида бир нафар фарзандини моддий таъминоти [REDACTED] 10.281.843 сўм, шу даврда икки нафар вояга етмаган фарзандларини моддий таъминоти учун [REDACTED] фойдасига 13.709.124 сўм алимент пулларини тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Судланувчи [REDACTED] суд муҳокамасида айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 2011 йилда [REDACTED] билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришгани, турмушлари давомида бир нафар фарзандли бўлишгани, лекин 2018 йилда [REDACTED] билан келишмовчилик сабаб бирга яшамай қўйгани ва ажрашиб кетишгани, шунда [REDACTED] фарзанди учун алимент ундириш бўйича судга мурожаат қилгани, суд буйруғига кўра уни фойдасига 36.714.201 сўм алимент тўлашлиги белгилангани, бундан ташқари, 2017 йилда [REDACTED] билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришгани, турмушлари давомида икки нафар фарзандли бўлишгани, лекин 2021 йилда [REDACTED] билан ҳам келишмовчилик сабаб бирга яшамай қўйгани ва ажрашиб кетишгани, шунда [REDACTED] ҳам фарзандлари учун алимент ундириш бўйича судга мурожаат қилгани, суд буйруғига кўра уни фойдасига 37.648.062 сўм алимент тўлашлиги белгилангани, шу пулларни тўламагани учун суд томонидан унга нисбатан маъмурий қамоқ жазоси тайинлангани, Тошкент шаҳрида ёлланма ишда ишлагани, келгусида ишлаб пул топиб, фарзандларига алимент пулларини тўлаб беришини билдириб, суддан ўзига енгиллик сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] муҳокамасида, 2011 йилда [REDACTED] билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қургани, турмуши давомида бир нафар фарзандли бўлишгани, 2018 йилга келиб ўрталарида оилавий келишмовчиликлар пайдо бўлиб, бирга яшамай қўйишгани, шундан сўнг фарзандига алимент ундириш масаласида судга мурожаат қилгани, [REDACTED] фарзанди учун алимент пулларини тўламасдан келаётгани, шунга кўра [REDACTED] алимент пулларини ундириб, қонуний чора кўришни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] суд муҳокамасида, 2017 йилда [REDACTED] билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қургани, турмуши давомида икки нафар фарзандли бўлишгани, 2021 йилга келиб ўрталарида оилавий келишмовчиликлар пайдо бўлиб, бирга яшамай қўйишгани, шундан сўнг фарзандига алимент ундириш масаласида судга мурожаат қилгани, [REDACTED] фарзандлари учун алимент пулларини тўламасдан келаётгани,



шунга кўра [REDACTED] алимент пулларини ундириб, қонуний чора кўришни сўради.

Гувоҳ [REDACTED] суд муҳокамасида давлат ижрочиси лавозимида ишлаб келиши, [REDACTED] нисбатан қабул қилинган суд буйруқлари асосида ҳисобланган алимент қарздорлигини тўлаш юзасидан бир неча мартаба огоҳлантириб келгани, лекин [REDACTED] 3 нафар фарзандларига умуман алимент қарздорлигини тўлаш чорасини кўрмагани, шу сабабли даъвогар [REDACTED] фойдасига 46.996.044 сўм, даъвогар [REDACTED] фойдасига 51.357.186 сўм алимент қарздорлигини судланувчидан ундириб беришни сўраб, кўрсатув берди.

Судланувчи [REDACTED] жиноят содир этганликдаги айби, алимент қарзини ҳисоблаш тўғрисидаги қарор, суд буйруғи, ижро варақа, унга илова қилинган ҳужжатлар, тушунтириш хатлари, далолатнома, огоҳлантириш хатлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топди.

Судланувчи [REDACTED] ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 122-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган, чунки у шундай қилмиши учун маъмурий жазо қўлланилган бўлса-да, моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган фарзандларини моддий таъминлаш учун суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаган.

Фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро судининг 2019 йил 9 августдаги суд буйруғига асосан [REDACTED] жабрланувчи [REDACTED] фойдасига бир нафар вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун ойлик даромадининг  $\frac{1}{4}$  қисми миқдорида алимент тўлаши лозим бўлиб, 2023 йил 1 июлдан 2024 йил 1 апрелга қадар жами 10.281.843 сўм миқдорида алимент ҳисобланган.

Фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро судининг 2021 йил 23 апрелдаги суд буйруғига асосан [REDACTED] жабрланувчи [REDACTED] фойдасига икки нафар вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун ойлик даромадининг  $\frac{1}{3}$  қисми миқдорида алимент тўлаши лозим бўлиб, 2023 йил 1 июлдан 2024 йил 1 апрелга қадар жами 13.709.124 сўм миқдорида алимент ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумига 2023 йил 20 ноябрда киритилган ўзгартиришга кўра, судлар ҳукм чиқараётганда судланувчидан суд ҳукми билан аниқланган алимент мажбуриятлари бўйича қарздорлиги билан бир қаторда, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлган алимент мажбуриятлари бўйича қарздорлигини ҳам ҳисобга олиб ундиришни белгилашлари шартлиги ҳақида тушунтириш берилган.



Жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман судининг 2023 йил 4 июлдаги қарори билан ҳуқуқбузар [REDACTED] жабрланувчи [REDACTED] фойдасига 2023 йил 1 июлга қадар жами 36.714.201 сўм, шу даврда жабрланувчи [REDACTED] фойдасига жами 37.648.062 сўм алимент қарздорлигини тўламагани учун маъмурий жазо қўлланилгани сабабли ушбу даврда ҳисобланган алимент қарздорлигини ҳам муҳокама қилиб, ҳисобга олиб ундиришни белгилаш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб тушунтирилган.

Суд судланувчи [REDACTED] жазо тури ва миқдорини тайинлашда, у томонидан содир этилган жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига кириб, унинг айбига тўлиқ иқроор бўлиб, қилмишидан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлигини ЖК 55-моддасига кўра жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, ЖК 56-моддасига кўра жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб топиб, унинг шахсини, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини, жабрланувчининг даъвосини, етказилган зарар қопланмаганлигини эътиборга олиб, у айбланаётган ЖК 122-моддаси 1-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд етказилган зарар масаласини муҳокама қилиб, судланувчи [REDACTED] жабрланувчи [REDACTED] фойдасига 46.996.044 сўм; судланувчи [REDACTED] жабрланувчи [REDACTED] фойдасига 51.357.186 сўм алимент қарздорлигини ундиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473 – моддаларига амал қилиб, суд

## Ҳ У К М Қ И Л А Д И

Судланувчи [REDACTED] [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 122-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан 1 (бир) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 14 май кунидан бошлаб ҳисобланиб, манзил-колонияларида ўтаттирилсин.



■■■■■■■■■■ нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дархол суд залида қамоққа олинсин ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭД 2 минтақавий ҳудуд 6-сон тергов ҳибсхонасига жойлаштирилсин.

Судланувчи ■■■■■■■■■■ жабрланувчи ■■■■■■■■■■ фойдасига 46.996.044 сўм алимент қарздорлиги ундирилсин.

Судланувчи ■■■■■■■■■■ жабрланувчи ■■■■■■■■■■ фойдасига 51.357.186 сўм алимент қарздорлиги ундирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи, жабрланувчилар эса ҳукмнинг қўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида шу суд орқали Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, қайд этилган муддат ўтганидан сўнг кассация тартибида шикоят бериш ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

(имзо)

“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”

Жиноят ишлари бўйича  
Тўрақўрғон туман судининг раиси

М.Рузиматов

